

# БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ УСТОЗЛАР!



МАРЫФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИПАРИ ГАЗЕТАСИ •

# Ma'rifat

1931 йилдан чиқа бошлаган 1999 йил 29 сентябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 77-78 (7171)

## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар!

Қадрли устозлар!

Сизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самиий табриклайман.

Дунёда ҳар қайси касб-хунарнинг ўзига хос ўрни, аҳамияти ва қадр-қиймати бор. Аммо уларнинг орасида энг улуғ ва шарафлиси, бу — ўқитувчилик касбидир. Чунки муаллим ҳар биримизга сабоқ беради, ақл-идроқимизи юксалтиради, ҳайёт илмини ўргатади. Заҳматкаш устоз-мураббийларнинг меҳнат ва тарбияси туфайли қалбларимиз покланади, дилимизда олижоноб инсоний фазилатлар камол топади.

Шу боис барчамиз ўқувчилик йилларини ҳаяжон ва соғинч билан эслаймиз, меҳнаткаш ва меҳрибон устозларимизни ҳамиша эзгу сўзлар билан хотирлаймиз.

Устозни отадан улуғ деб билган маърифатпарвар ҳалқимиз муаллим ва мураббий зотини ҳамиша ардоклаб, уларнинг меҳнатини қадрлаб келади.

Ҳазрат Алишер Навоий айтганидек, бизга лоқал бир ҳарф ўргатган устознинг ҳаққини юз минг ганжу ҳазина билан ҳам узиб бўлмайди. Биз улардан умрбод қарздормиз.

Азиз муаллимлар!

Мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришларда, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳайётга татбиқ этишда сизларнинг хиссангиз бекёйёсdir.

Бу дастур мавжуд таълим-тарбия тизимини ўзгартирибина қолмасдан, балки биз орзу килаётган янги авлодни тарбияладайди.

Янги авлод деганда мен, аввало, ўзлигини тегран англаган, улуғ мутафаккир аждодларимизнинг буюк ва бетакрор меросига муносаб ворис бўлган, шу билан бирга, илм-фан чўққиларини эгаллашда маърифий дунёда ҳеч кимдан қолишмайдиган навқирон фарзандларимизни назарда тутаман.

Ана шу авлодни тарбияладиган Миллий дастур энг катта орзу-умидларимизни, муқаддас интилишларимизни рўёбга чиқарадиган, ҳозирги ва келажак ҳайётимизнинг равнакини белгилаб берадиган ҳоссий омилдир. Бу шарафли вазифа бугунги кунда жамиятимизнинг ҳар бир аъзосига, эркин ва фаровон ҳайёт куришни кўзлаб яшаетган ҳалқимиз зиммасига улкан масъулият юклади.

Лекин биринчи навбатда бу эзгу иш сиз каби маърифат фидойиларининг давлат ва ҳалқ олдидаги муҳим ижтимоий ва инсоний бурчидир.

Мана шу улкан ва ўта масъулиятли вазифани адо этишингизда давлатимиз ва жамиятимиз муҳтарам муаллим ва мураббийларимизни эъзозлаш ва ардоклашда, сиз азизларга муносаб шарт-шароит яратишда ҳеч қандай куч ва маблагини аямайди, деб ишонтиришга рухсат бергайсиз.

Азиз устозлар!

Сизларни байрамингиз билан яна бир бор чин дилдан кутлаб, барчангизга соғлиқ-омонлик, баҳту саодат, шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Kuch – bilim va tafakkurda

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

## Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўrnak кўrsatgan ходимлардан бир гурухини мукофотлаш тўғрисида

Республикада таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш, ёш авлод онгода юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, уларни ватанпаварлар ва истиқтолғояларига садоқат руҳида тарбиялашга кўшган муносаб хиссаси ҳамда ўзининг фидойилиги билан кенг жамоатчилик иззат-хурматига сазовор бўлганлиги учун қўйидагилар мукофотлансин:

### "Эл-юрт хурмати" ордени билан

Абидова Раъно Жалиловна — Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани 115-мактабнинг география ўқитувчisi

Айтимбетова Несибели Отешовна — Қорақалпоғистон

Республикаси Кегейли тумани 9-мактабнинг математика ўқитувчisi

Аҳмаджонов Рафиқ — Фарғона вилояти Кува тумани 17-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчisi

Бобоев Ойназар Пирназарови — Буҳоро вилояти Қоракўл тумани 6-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчisi

Икромова Гавҳар Жўраевна — Тошкент вилояти Кибрай тумани 15-мактабнинг кимёбиология ўқитувчisi

Имманирова Робихон — Андижон вилояти Олтинқўл тумани 22-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчisi

Исаев Жаббор — Сирдарё вилояти Сирдарё тумани 25-мактаб директори

Матқулиев Карим — Хоразм вилояти Урганч давлат университети қошидаги ака-

демик лицей директори

Минаматов Махмуджон

— Наманган вилояти Ўчи тумани 18-мактабнинг математика ўқитувчisi

Мирзаев Ризо — Навоий вилояти Кизилтепа тумани А.Жомий номидаги мактаб директори

Низамова Марзия — Сурхондарё вилояти Термиз тумани 8-мактаб директори

Умаров Оқил — Жиззах вилояти Жиззах шаҳар 16-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчisi

Шаропов Ҳусан — Қашқадарё вилояти Фузор тумани 21-мактаб директори

Киличев Нурмурод — Самарқанд вилояти Пайариқ тумани 18-мактабнинг ўқитувчisi

(Давоми 2-бетда)



Суратда: (чапдан ўнгга) Ўзбекистон Қаҳрамонлари Мавлуда Исматова ва Манзура Мадалиева ўқувчилар даврасида.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

## Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гурӯхини мукофотлаш тўғрисида

(Боши 1-бетда)

### “Мехнат шуҳрати” ордени билан

**Абдуллаев Даниярбек Абдувоҳидович** — Наманган вилояти Наманган тумани 8-мактабнинг информатика ўқитувчisi

**Алимбетов Раджабой** — Коракалпостон Республикаси Тўрткўл шаҳар 9-мактабнинг француз тили ўқитувchisi

**Бегматов Музаффар** — Самарқанд вилояти Кўшработ тумани 68-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувchisi

**Бобоев Абдусамат Умаровиҷ** — Жizzах вилояти Фориш тумани 79-мактабнинг немис тили ўқитувchisi

**Бобоевон Ҳамро** — Навоий вилояти Навбаҳор тумани ҳалқ таълими бўлими инсоннинг методика кабинети мудири

**Жалилов Фоғиритдин** — Қашқадарё вилояти Китоб тумани 49-мактаб директори

**Йўлдошев Жўра Фаниевич** — Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазiri

**Каримов Раҳматулла Ташбаевиҷ** — Тошкент шаҳар А.Икромов тумани 4-мактабнинг директор ўринбосари

**Махмудова Анергул** — Хоразм вилояти Гурлан тумани 5-мактаб директори

**Матниёзов Досчан Уринбаевиҷ** — Коракалпостон Республикаси Ҳўжайли тумани 60-мактаб директори

**Мирзалиев Турғунбой** — Тошкент давлатуниверситети кафедра мудири вазифасини бажарувchi

**Обидов Турсун Тўрабековиҷ** — Андижон вилояти Булоқбоши тумани 17-мактабнинг рус тили ва адабиёт ўқитувchisi

**Рахимов Немат** — Бухоро вилояти Ромитан тумани 27-мактабнинг физика ўқитувchisi

**Рихсиев Акмалжон Ақрамовиҷ** — Тошкент вилояти Зангиота тумани 29-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувchisi

**Сманалиева Азрупат Абдураимовна** — Тошкент вилояти Юқоричирчик тумани 10-мактабнинг бошлангич синф ўқитувchisi

**Ҳасанов Шавкат Эшонхоновиҷ** — Фарғона вилояти Кўкҷон шаҳар техника коллежининг катта ўқитувchisi

**Ҳасанова Бибисара** — Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 319-мактабнинг тарих ўқитувchisi

**Хожибоев Тўйчибой** — Фарғона вилояти Тошлоқ тумани 1-лицей-интернатнинг математика ўқитувchisi

**Худоёров Нурбобо** — Қашқадарё вилояти Нишон тумани 24-мактабнинг география ўқитувchisi

**Шомуродова Сафия** — Сурхондарё вилояти Денов

тумани 51-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувchisi

**Курбонов Исмоил** — Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар 9-мактабнинг бошлангич синф ўқитувchisi

**Гаппарова Шаҳодат** — Самарқанд вилояти Жомбай тумани 29-мактабнинг бошлангич синф ўқитувchisi

**Миллий истиқлол мақсади ва гояларини рўёбга чиқарадиган соғлом авлодни вояга етказиши, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида фидойи ҳамда соғлом инсонлар қилиб тарбиялашдаги шарафли меҳнатлари учун қўйидагилар мукофотлансин:**

### I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

**Арипова Майсара** — Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 126-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувchisi

**Арслонов Макарим Миргасимовиҷ** — Бухоро вилояти Вобкент тумани 16-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувchisi

**Аъзамова Гулнора** — Сурхондарё вилояти Бойсун тумани 39-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувchisi

**Аҳмадалиева Озодхон** — Наманган вилояти Янгиқўрон тумани 14-болалар боғчасини мудираси

**Бозорбоев Набижон** — Тошкент вилояти Бекобод тумани 13-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувchisi

**Дадамирзаев Абдуллајон** — Андижон вилояти Балиқчи тумани 3-мактабнинг бошлангич синф ўқитувchisi

**Жаббарбергенова Амангул** — Коракалпостон Республикаси Нукус шаҳар 37-болалар боғчаси мудираси

**Жабборова Назира** — Хоразм вилояти Янгиариқ тумани 25-мактабнинг бошлангич синф ўқитувchisi

**Жуманова Айимжон Бекимовна** — Коракалпостон Республикаси Беруний тумани 46-мактабнинг кимё-биология ўқитувchisi

**Золотарёв Валерий Антонович** — Андижон шаҳар республика олимпия билим юртинг жисмоний тарбия ўқитувchisi

**Каримов Ҳолдарали Мустафоевиҷ** — Фарғона вилояти Бувайда тумани 9-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувchisi

**Мансурова Розагул Никоновна** — Сирдарё вилояти Оқолтин тумани “Дилшод” номли болалар боғчаси мудираси

**Муллобабаева Генара Мирамдуловна** — Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицеининг инглиз тили ўқитувchisi

**Муродова Дилбар Ҳикматовна** — Қашқадарё вилояти ҳалқ таълими бошқармасининг бош мутахассиси

**Назаров Шавкат Машрабовиҷ** — Республика ёш саёҳатчилар ва ўлқашунослар маркази бош директори

Қашқадарё вилояти Шаҳриор тумани 4-лицейнинг тарих ўқитувchisi

**Норматов Фармонқул** — Жizzах вилояти Янгибод тумани 12-мактабнинг бошлангич синф ўқитувchisi

**Сапожникова Надежда Ивановна** — Навоий вилояти Зарафшон шаҳар 2-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувchisi

**Усмонова Раъно Шариповна** — Фарғона вилояти Бешариқ тумани 2-лицейнинг тарих ўқитувchisi

**Усмонхўжаев Талъат Сайдирович** — А.Авлоний номидаги Ҳалқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий инститuti кафедра мудири

**Холбутаев Раҳмат** — Сарманд вилояти Пахтакор тумани 18-мактабнинг мусиқа ўқитувchisi

**Каландаров Ақбар** — Тошкент вилояти Ўртачириқ тумани лицей-интернатнинг кимё ўқитувchisi

**Хусейнов Рустам** — Сарманд вилояти Самарқанд тумани 14-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувchisi

**II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан**

**Абдураҳимова Мавлюда Абдурашидовна** — Фарғона вилояти Риштон тумани “Ширин” болалар боғчаси мудираси

**Ахунов Ҳомиджон** — Андижон вилояти Асака шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси

**Давлатова Маҳтоб** — Сурхондарё вилояти Бандиҳон тумани 1-мактабнинг кимё ўқитувchisi

**Давликамова Света** — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар 6-болалар боғчаси мудираси

**Жўраева Нигора** — Тошкент вилояти Зангиота тумани 14-мактабнинг мусиқа ўқитувchisi

**Зайнутдинов Шуҳрат Иброҳимовиҷ** — Навоий вилояти Навоий тумани 15-мактабнинг тарих ўқитувchisi

**Исмоилова Матлюба Фуззазеевна** — Самарқанд шаҳар 9-мехрибонлик уйи директори

**Казаков Жарашбай** — Коракалпостон Республикаси Амударё тумани 2-болалар ва ўсмирлар мактаби мураббийси

**Махмудова Гулсунай Қўчкоровна** — Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 118-мактабнинг математика ўқитувchisi

**Махмудова Матлюба Ориповна** — Самарқанд шаҳар 59-кўзи охиз болалар мактаб-интернатнинг директори

**Мирзаякубова Нематхон** — Андижон вилояти Асака тумани 9-болалар боғчаси тарбияси

**Назаров Шавкат Машрабовиҷ** — Республика ёш саёҳатчилар ва ўлқашунослар маркази бош директори

**Насимова Шоира Ҳамдулаевна** — Самарқанд вилояти

Каттакўғон тумани 1-болалар боғчаси тарбияси

**Пинчук Лидия Ивановна** — Тошкент шаҳар ҳалқ таълими Баш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Солиева Ҳамидахон** — Наманган вилояти Чироқчи тумани 2-мактабнинг математика ўқитувchisi

**Тожибоева Маъсуда Саҳодиллаевна** — Наманган вилояти Тўракўғон тумани 4-мактабнинг бошлангич синф ўқитувchisi

**Тошева Райхонай Ҳакимовна** — Бухоро шаҳар 23-мактабнинг инглиз тили ўқитувchisi

**Турғунов Үрол** — Жizzах вилояти Зарбор тумани 12-мактабнинг инглиз тили ўқитувchisi

**Холматов Тўлқин Тўраевич** — Фарғона вилояти Фарғона тумани маший хизмат кўрсатиш коллежи директори

**Юсупова Бибихан** — Коракалпостон Республикаси Мўйноқ тумани 2-мактаб директорининг ўринбосари

**Юсупова Муножот Шокировна** — Тошкент шаҳар 9-мактабнинг бошлангич синф ўқитувchisi

**Якубова Бибижон** — Хоразм вилояти Янгибозор тумани 11-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувchisi

**Ҷўшлар истеъодидини камол топтириш, уларни юқсан маънавий ва ахлоқан етук қилиб тарбиялаш йўлидаги фидокорона хизматлари ҳамда ўзбекистонда яшайдиган барча миллатлар ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувлини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун қўйидагилар мукофотлансин:**

### “Дўстлик” ордени билан

**Абдиреймова Мариям Алиевна** — Коракалпостон Республикаси Тахтакўпир тумани 1-мактабнинг математика ўқитувchisi

**Аракелян Татьяна Михайловна** — Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани 49-мактабнинг тарих ва ҳуқуқ ўқитувchisi

**Ахунова Соадат Зорировна** — Сирдарё вилояти Ширин шаҳар 1-мактабнинг инглиз тили ўқитувchisi

**Габа Владимир Алексеевич** — Фарғона вилояти Марғилон шаҳар ҳалқ таълими бўлими методисти

**Ем Клара Михайловна** — Наманган вилояти Мингбулоқ тумани 33-мактаб директори

**Ехалкина Валентина Ивановна** — Андижон вилояти Избоскан тумани 5-мактабнинг бошлангич синф ўқитувchisi

**Жавлонов Исок** — Жizzах вилояти Арнасой тумани 5-мактаб директори

**Жўраева Иноятжон Абдиназаровна** — Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани 12-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувchisi

**Кенжакеева Ҳаловат** — Навоий вилояти Навоий шаҳар 8-мактабнинг бошлангич синф ўқитувchisi

**Солиева Фарида Абдураҳмоновна** — Наманган вилояти Чорток тумани 38-мактабнинг немис тили ўқитувchisi

**Спиридонова Любовь Александровна</**

## Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гурухини мукофотлаш тўғрисида

(Боши 2-бетда)

**Торениязов Адилхан** — Хоразм вилояти Урганч тумани 22-мактабнинг қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчи

**Тренина Нелля Салимовна** — Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар 16-гимназиянинг математика ўқитувчи

**Умаров Турдибек** — Андикон вилояти Жалолкудук тумани 26-мактабнинг бошлангич синф ўқитувчи

**Чагай Сун-хи** — Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Жаҳон тиллари гимназиясининг инглиз тили ўқитувчи

**Чернова Надежда Валентиновна** — Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар 9-мактабнинг расм ва чизмачилик ўқитувчи

**Цой Лариса Анатольевна** — Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани 8-мактабнинг физика ўқитувчи

**Ўсиб келаётган ёш авлодни ўз юритдан фахрланиш, Она-Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳамда юксак инсоний, миллий қадриятлар ва маънавий ғояларни тарғиб қилишда эришган мұваффақиятлари учун қуидагилар мукофотлансан:**

### “Шуҳрат” медали билан

**Абдуллаев Пўлат** — Хоразм вилояти Хива тумани 2-лицей-интернатининг кимё ўқитувчи

**Абдуллаев Усмон Абдуллаевич** — Кашқадарё вилояти Қарши шаҳар 1-гимназиянинг инглиз тили ўқитувчи

**Абдуллаева Сайёра Ураловна** — Кашқадарё вилояти Дехқонбод тумани “Иқбол” болалар боғчаси тарбиячиси

**Абдуллахонов Мажаматюсеб** — Андикон вилояти Асака тумани 31-мактабнинг математика ўқитувчи

**Адизов Қаҳрамон Коҳимовиҷ** — Бухоро вилояти Шофиркон тумани 2-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчи

**Аллабердиев Исомиддин** — Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани 46-мактабнинг физика ўқитувчи

**Аллаяров Баҳромкул Тўракулович** — Сирдарё вилояти Мехнатбод тумани 1-мактабнинг инглиз тили ўқитувчи

**Ариббоева Мукаррам Собировна** — Тошкент вилояти Паркент тумани 31-мактабнинг бошлангич синф ўқитувчи

**Ачилова Галина Галиаскарова** — Сурхондарё вилояти Ангор тумани 7-болалар боғчаси мудираси

**Ахмаджанова Раъно Раҳмонкуловна** — Тошкент вилояти Оққўргон ту-

мани 6-мактабнинг тарих ўқитувчи

**Аҳадова Зулайҳо Самадовна** — Қашқадарё вилояти Касби тумани 11-мактабнинг математика ўқитувчи

**Аҳмедов Баҳодир Махмудович** — Урганч шаҳар 4-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчи

**Аҳмедова Кабира Баҳромбековна** — Тошкент вилояти Бўстонлик тумани 14-болалар боғчаси тарбиячиси

**Аҳмедова Муҳаббатхон Фаниевна** — Фарғона вилояти Фарғона тумани 13-мактабнинг тарих ўқитувчи

**Бабаев Мамуржон Салиханович** — Наманганд вилояти ҳалқ таълими бошқармасининг ходимлар билан ишлаш бўлими мудири

**Бозорбоева Гулпаршин** — Коқақалпогистон Республикаси Конникӯл тумани 18-мактаб директори

**Бозорбаев Момин** — Жиззах вилояти Зафаробод тумани 4-мактабнинг қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчи

**Байимбетов Бердибай Одилбаевич** — Коқақалпогистон Республикаси Чимбой тумани 16-мактабнинг қоқақалпок тили ва адабиёти ўқитувчи

**Башаров Курбан Зуллхорович** — Тошкент вилояти Кўйичириқ тумани 40-мактабнинг қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчи

**Бектамишова Бодом** — Самарқанд вилояти Иштиҳон тумани 62-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчи

**Бектемиров Ҳабибулла** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика атамашунослик кўмитаси раиси ўринbosari

**Бердиева Зайнаб Файзиллаевна** — Самарқанд вилояти Каттақўргон тумани 20-мактабнинг меҳнат ўқитувчи

**Бибитова Тулган Холиёровна** — Сурхондарё вилояти Шеробод тумани 1-мактаб директори

**Бобохонова Гулчехра** — Андикон вилояти Улуғнор тумани 4-мактабнинг география ўқитувчи

**Бозоров Амонбай** — Навоий вилояти Нурота тумани ҳалқ таълими бўлими мудири

**Бортковская Лариса Александровна** — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар 12-мактабнинг физика ва математика ўқитувчи

**Габидулин Миглеислам Ҳабибовиҷ** — Бухоро шаҳар Тўкиматлиқ тумани 21-мактабнинг ёшларни чақириқча тайёрлаш раҳбари

**Давлатова Замира Шодмоновна** — Бухоро вилояти Жондор тумани 1-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчи

**Дакенова Жаксигул** — Жиззах вилояти Мирзачўл тумани 4-мактабнинг қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчи

**Жайнакова Муқаддас Дехқоновна** — Андикон вилояти Шаҳриҳон тумани 31-мактабнинг француз тили ўқитувчи

**Жамалова Маъсуда Салоҳиддиновна** — Наманганд давлат университети қошидаги академик лицейининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчи

**Жанибекова Гулимхан** —

Коқақалпогистон Республикаси Бўзатов тумани 10-мактабнинг бошлангич синф ўқитувчи

**Жумаев Истам Ҳудоёрович** — Бухоро вилояти Пешку тумани 12-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчи

**Жумотов Раҳимбай** — Хоразм вилояти Гурлан тумани 40-лицейнинг география ўқитувчи

**Жўраева Эъзозхон** — Фарғона вилояти Фарғона тумани 52-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчи

**Исаева Каромат** — Тошкент вилояти Пискент тумани 3-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчи

**Исмоилов Ҳалил Душаевич** — Сирдарё вилояти Ҳовос тумани ҳалқ таълими бўлими мудири

**Исройилова Тошхон** — Андикон вилояти Андикон тумани 18-мактабнинг кимё-биология ўқитувчи

**Кабулова Бахит Рахатовна** — Навоий вилояти Томди тумани 1-мактабнинг бошлангич синф ўқитувчи

**Казакова Бибиажар** — Коқақалпогистон Республикаси Амударё тумани 22-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчи

**Камалов Жовқоч** — Самарқанд вилояти Гўзалкент тумани хорижий тиллар ўргатиш марказининг директори ўринbosari

**Каримов Шокир** — Самарқанд вилояти Иштиҳон тумани 51-мактабнинг немис тили ўқитувчи

**Комилов Фозилжон Ибрҳимовиҷ** — Бухоро вилояти Фиждувон тумани 35-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчи

**Коновалова Ольга Яковлевна** — Жиззах вилояти Жиззах тумани 6-мактабнинг рус тили ўқитувчи

**Курамбаева Марьям** — Хоразм вилояти Ҳонқа тумани 33-мактаб директори

**Кулдошева Матлюбахон** — Андикон вилояти Кўргонтепа тумани 10-мактаб директори

**Ли Уля Сунсеновна** — Тошкент шаҳар Сирғали тумани 6-мактабнинг инглиз тили ўқитувчи

**Лукова Ҳонимой Кудратовна** — Сурхондарё вилояти Кумқўргон тумани 15-мактабнинг немис тили ўқитувчи

**Мавланова Муқаддас Матқуловна** — Наманганд вилояти Наманганд тумани 3-болалар боғчасининг тарбиячиси

**Маллаева Пўлатхон Мақсумовна** — Самарқанд вилояти Булунғур тумани 55-мактабнинг тарих ўқитувчи

**Маматхўжаева Замираҳон Норхўжаевна** — Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани 5-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчи

**Мансурова Малика** — Жиззах вилояти Янгиобод тумани 1-мактабнинг бошлангич синф ўқитувчи

**Машарибов Оллашкур** — Хоразм вилояти Богот тумани 30-мактабнинг математика ўқитувчи

**Мелибов Назириали** — Фарғона вилояти Данғара тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

**Мелихўжаев Тўйчийбай** — Андикон вилояти Пахтаобод

тумани 1-мактабнинг математика ўқитувчи

**Мирзоев Абдиқодир** — Сармарқанд вилояти Ургут тумани 34-мактабнинг физика ўқитувчи

**Мирзокаримов Ҳакимжон** — Фарғона вилояти Сўх тумани 2-лицейнинг инглиз тили ўқитувчи

**Музаффарова Гулноза Анваровна** — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани 41-мактабнинг физика ўқитувчи

**Муллаев Муҳторжон** — Фарғона вилояти Боғдод тумани 4-мактабнинг физика ва астрономия ўқитувчи

**Мусаев Паёз** — Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти бўлим мудири

**Мусаев Наргиза Эркиновна** — Тошкент шаҳар А.Икрамов тумани 540-болалар боғчаси тарбиячиси

**Нормуродова Ойтула** — Қашқадарё вилояти Фузор тумани 2-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчи

**Оринбаев Амет** — Коқақалпогистон Республикаси Кўнгирот тумани 7-қасб-хунар лицензија директори

**Палванова Азиза Баҳрамовна** — Тошкент вилояти Чиноз тумани болалар мусиқа мактаби директори

**Позилова Гулистон Марифовна** — Тошкент вилояти Ангрен шаҳар 44-мактабнинг инглиз тили ўқитувчи

**Рахимова Жумагул** — Коқақалпогистон Республикаси Эллиқалъа тумани 4-болалар боғчаси мудири

**Раимова Марҳамат** — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани 249-мактабнинг бошлангич синф ўқитувчи

**Раҳимова Тамара Каимовна** — Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани 5-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчи

**Раҳмонова Муқаддасхон Иномовна** — Андикон вилояти Ҳўжаобод тумани 1-мактабнинг кимё-биология ўқитувчи

**Раҳмонова Бахринисо** — Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани 36-мактабнинг кимё-биология ўқитувчи

**Розумбетова Раъно Юлдашевна** — Коқақалпогистон Республикаси Тўрткўл тумани 16-болалар боғчаси мудири

**Садирбаева Назакат Кундибаева** — Навоий вилояти Конимех тумани 6-мактаб директори

**Салимова Малика Максуджоновна** — Тошкент вилояти Бўка тумани 5-мактабнинг француз тили ўқитувчи

**Самандаров Қодир** — Хоразм вилояти Ҳазор

## Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гурухини мукофотлаш тўғрисида

(Боши 3-бетда)

**Усмонова Махбуба Мирзахўжаева** — Фарғона вилояти Куба тумани 1-лицейнинг биология ўқитувчisi

**Утаева Раъно Эргашевна** — Қашқадарё вилояти У.Юсупов тумани 5-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчisi

**Фозилова Муборакхон** — Наманган вилояти Чорток тумани 43-мактабнинг бошлангич синф ўқитувчisi

**Халилова Малика Фаниевна** — Наманган вилояти Учи тумани 29-мактабнинг тарих ўқитувchisi

**Холматова Муяссар Меликўзиевна** — Фарғона вилояти Бувайда тумани 1-гимназия-интернатининг математика ўқитувchisi

**Холматова Корияхон** — Фарғона вилояти Бешарик тумани 20-мактабнинг меҳнат ўқитувchisi

**Хуррамова Турсуной** — Самарқанд вилояти Жомбой тумани 21-мактабнинг география ўқитувchisi

**Хўжамбердиева Гавҳар Толмасовна** — Бухоро вилояти Олот тумани 2-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёti ўқитувchisi

**Шадмонов Тошпўлат Нормуротович** — Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани 28-мактабнинг физика ўқитувchisi

**Шамсиддинов Абдуқодир Умаровиch** — Андикон вилояти Марҳамат тумани 14-мактабнинг кимё-биология ўқитувchisi

**Шарипова Каромат** — Самарқанд вилояти Нурабод тумани 10-мактабнинг тарих ўқитувchisi

**Шарипова Розияжон** — Тошкент вилояти Қибрай тумани 1-қасб-хунар лицейининг ўзбек тили ва адабиёti ўқитувchisi

**Шерқулова Муборак** — Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев тумани 4-болалар боғчаси мудираси

**Шоматов Исимиддин** — Наманган вилояти Поп тумани 19-мактабнинг бошлангич синф ўқитувchisi

**Шоҳимардонов Бахтиёр** — Жиззах вилояти Дўстлик тумани 11-мактабнинг математика ўқитувchisi

**Шукurov Abduxoholiq** — Самарқанд вилояти Нарпай тумани 31-мактабнинг физика ва астрономия ўқитувchisi

**Шукurova Zulfia** — Самарқанд вилояти Нарпай тумани 10-болалар боғчаси тарбиячisi

**Шукurova Saida Iyuldashevna** — Навоий вилояти Ҳатирчи тумани бизнес мактабининг ижтимоий таълим ўқитувchisi

**Эргашева Наташа** — Сурхондарё вилояти Шеробод шаҳар 1-болалар боғчаси мудираси

**Эргашева Нигора Жалолиддиновна** — Сурхондарё вилояти Жарқўрон тумани 16-мактабнинг география ўқитувchisi

**Эргабоев Турсунали Азимович** — Фарғона вилояти Furqat тумани 41-мактабнинг инфоматика ва математика ўқитувchisi

**Эргабоева Кенжагул Тулемшовна** — Сирдарё вилояти Гулистан тумани 10-болалар боғчаси мудираси

**Эрраҳматова Шоҳида**

**Исматовна** — Қашқадарё вилояти Яккабог тумани 6-мактабнинг бошлангич синф ўқитувchisi

**Эштемиров Мойли Мустофаевиch** — Қашқадарё вилояти Камали тумани 72-мактабнинг директори

**Юлдошева Ширмонхон Иргашевна** — Фарғона вилояти Ёзёвон тумани 30-мактабнинг кимё ўқитувchisi

**Юнусов Мирсаид** — Тошкент вилояти Бекобод тумани 2-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёti ўқитувchisi

**Юсупова Хосият Абдувалирова** — Сурхондарё вилояти Узун тумани 25-мактабнинг бошлангич синф ўқитувchisi

**Юсупова Шарофатхон Хашимовна** — Наманган вилояти Норин тумани 33-мактабнинг биология ўқитувchisi

**Якубаев Халила Якубаевич** — Навоий вилояти Ҳалқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Каландаров Аҳат Жумаевич** — Навоий вилояти Навоий тумани Ҳамза номли болалар мусиқа мактабининг ўқитувchisi

**Киличева Санам Ражабовна** — Ҳоразм вилояти Ҳазорасп тумани 8-мактабнинг бошлангич синф ўқитувchisi

**Киличов Гелдиёр Пагиевич** — Қашқадарё вилояти Баҳористон тумани 7-мактабнинг туркман тили ва адабиёti ўқитувchisi

**Кобилов Солижон** — Жиззах вилояти Учтепа кичик ва ўрта бизнес коллежининг директор ўринбосари

**Кодиров Зоир** — Қашқадарё вилояти Косон тумани болалар ва ўсмиirlar sport maktabning turgaq raxbari

**Кодиров Абдураҳим** — Самарқанд вилояти Булунғур тумани 5-мактабнинг физика ўқитувchisi

**Корабоев Шокиржон Аҳмадовиch** — Наманган вилояти Жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раиси

**Қўзиева Рашида Каримовна** — Қашқадарё вилояти Муборак тумани 3-мактабнинг бошлангич синф ўқитувchisi

**Қурбонова Малика Ибраҳимовна** — Бухоро вилояти Коракўл тумани 20-мактабнинг физика ўқитувchisi

**Қурбонова Ҳалима** — Сурхондарё вилояти Музработ тумани 33-мактабнинг бошлангич синф ўқитувchisi

**Ғаппоров Муҳаммад Шоҳжоевич** — Қашқадарё вилояти Китоб тумани лицей-интернатининг инглиз тили ўқитувchisi

**Ғафурова Гулчехра Эгамовна** — Самарқанд вилояти Каттакўрон шаҳар 9-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёti ўқитувchisi

**Ғозиев Азamat** — Наманган вилояти Наманган шаҳар 7-мактаб директори

**Ғоффорова Дилором** — Фарғона вилояти Олтиариқ тумани 41-мактабнинг бошлангич синф ўқитувchisi

**Ғуломов Алишер** — Самарқанд шаҳар Темирйўл тумани 14-мактабнинг информатика ва математика ўқитувchisi

**Ғўёл Йиллик меҳнати, республикада таълим тизимини ривожлантиришдаги катта хизматлари, ёшларга билим ва тарбия бериш, касб маҳоратини ўргатиш, уларни ҳалқимизнинг асррий анъаналари ва қадрятларига садоқат руҳида, гоявий баркамол ва**

**жисмонан соглом қилиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларида фаол қатнашаётганликлари учун куйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:**

### «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувchisi»

**Атабоева Раъно Отамирзевна** — Наманган вилояти Косонсой тумани 20-мактабнинг бошлангич синф ўқитувchisi

**Бостанова Марияш** — Қоралғолистон Республикаси Кораўзак тумани 5-мактабнинг қорақалпоқ тили ва адабиёti ўқитувchisi

**Дирқач Людмила Николаевна** — Самарқанд шаҳар Бофишамол тумани 37-мактабнинг кимё ўқитувchisi

**Зокирова Раҳима Ҳамроевна** — Сурхондарё вилояти Денов тумани 79-мактабнинг бошлангич синф ўқитувchisi

**Исмоилов Содикжон** — Андикон вилояти Кўрғонтепа тумани 3-мактабнинг физика ўқитувchisi

**Каримов Жўра** — Қашқадарё вилояти Қарши тумани 9-мактабнинг физика ўқитувchisi

**Мамадиёрова Барчиной** — Сирдарё вилояти Ширин шаҳар 4-мактаб рус тили ва адабиёti ўқитувchisi

**Маманов Норкул** — Самарқанд вилояти Тайлөк тумани 47-мактабнинг ўзбек тили ўқитувchisi

**Мансуров Камил** — Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 63-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувchisi

**Матбобов Неъматжон Сultonov** — Фарғона вилояти Учкўприк тумани “Зиё” иқтисод лицей-интернатининг кимё-биология ўқитувchisi

**Мизякова Валентина Степановна** — Навоий вилояти Учкўдук шаҳар 9-мактабнинг биология ўқитувchisi

**Нуримов Куранбой** — Ҳоразм вилояти Урганч тумани 45-лицей-интернатининг директори

**Рахматуллаева Ҳанифа** — Жиззах вилояти Зомин тумани 1-гимназия рус тили ва адабиёti ўқитувchisi

**Рустамова Абера Рўзиевна** — Бухоро вилояти Когон тумани 1-мактабнинг математика ўқитувchisi

**Қурбонова Ҳайрхон Абдулаевна** — Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар 6-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёti ўқитувchisi

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими”

**Абдураимова Муҳаббат** — Республикада таълим маркази директори мувони

**Аминов Фиёс** — Қашқадарё вилояти У.Юсупов тумани ҳалқ таълими бўлими мудири

**Атажонов Қўзибой Кутлимуратовиch** — Ҳоразм вилояти Хива тумани ҳалқ таълими бўлими мудири ўринбосари

**Генералова Тамара Дмитриевна** — Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани 410-максус болалар боғчаси услубчи-логопеди

**Исангулова Римма Фёдоровна** — Тошкент шаҳар Яккарсарай тумани 89-мактабнинг

бошлангич синф ўқитувchisi

**Исмоилова Мақсадаҳон** — Андикон вилояти Андикон тумани ҳалқ таълими бўлими мудири

**Мўминов Абдуғани Сайдалиевиch** — Тошкент вилояти Ўртачирчик тумани 29-мактаб директори

**Муродов Замира** — Навоий вилояти Хатирчи тумани 18-мактаб директори

**Норматова Махфират Низонбоевна** — Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани 2-мактабнинг физика ўқитувchisi

**Пиксаева Наяда Павловна** — Фарғона вилояти Фарғона шаҳар 25-мактабнинг рус тили ва адабиёti ўқитувchisi

**Ризакулова Муяссар** — Сармаканд вилояти Челал тумани 18-мактаб директори

**Сатторова Мусаллам Исатидиновна** — Бухоро шаҳар 16-мактабнинг инглиз тили ўқитувchisi

**Сирохиддинов Рўзибай** — Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани болалар ва ўсмиirlar sport maktabi direktori

**Хайтбоев Саттор** — Жиззах вилояти Фаллаорол тумани 57-мактабнинг тарих ўқитувchisi

**Ҳакимова Арзигуль Камильджановна** — Наманган вилояти Давлатобод тумани А.Навоий номли гимназиянинг директори

**Хасанов Энгель Юсупович** — Қоралғолистон Республикаси Беруний тумани ҳалқ таълими бўлими мудири

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси”

**Абдуҳалиқова Гулистон Ҳамидовна** — Қоралғолистон Республикаси Ҳўжайли тумани 1-мактабнинг инглиз тили ўқитувchisi

**Абдуллаева Ойгулай Суюновна** — Самарқанд шаҳар Темирйўл тумани 49-мактабнинг бошлангич синф ўқитувchisi

**Артиков Миродил Думажонович** — Андикон вилояти Пахтаобод касб-хунар лицейининг ҳарбий таълим raxbari

**Ачилов Аноркул** — Сирдарё вилояти Бёйёт тумани Абу Али



— Эркин ака, газетамизда «Меҳмонхона» деган янги руҳи очдик. Унда юртимизнинг энг маърифатли, зиёли, машҳур кишлари меҳмон бўлишиб, биринчи муаллимлари, умуман юракларида из қолдирган ўқитувчилари ҳакида сўзлаб беришади. Биринчи муаллимингизни эслайсизми?

— Мен 1936 йили Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида ўқитувчилар оиласида туғилганман. Онам географиядан, отам тарихдан дарс берардилар. Ўқитувчилар фарзанди бўлганим учун саводим жуда эрта чиқкан. Демакки, биринчи ўқитувчиларим отам ва онам бўлишган. 1-синфга борадиган пайтларимда уруш вақти эди. Газета ўқиёлмайдиганларга газетадан информбюро хабарларини, хат ўқиёлмайдиган аёлларга болаларидан, эрларидан келган хатларни ўқиб берардим. 1-синфга боргунимча хат-саводим чиқкани учун, мактабга борганимда қайси синфа олиши билмай қолишган. 2-3-синфга олишганида, ўқитувчи доскага нотўғри ёзганини тўғрилаганимдан сўнг бирданига 4-синфга қабул қолишган. Ота-онам касал бўлиб, Тошкентга келганимиздан кейин бу ерда 2-синфда ўқий бошлаганман.

— Ўша давр ўкувчиси, ўқитувчisi билан бугуннинг ўкувчиси ва ўқитувчisi ўртасида қандай фарқлар бор?

— Биз қийин, оғир турмуш шароитида ўқиганимиз. Ўша пайтларда вазият мушкул бўлишига қарамай, болаларда ўқишига бўлган муҳаббат кучли бўлган. Ўқитувчиларда ҳам билим беришга интилиш юксак эди. Ўзимни ўқитган ўқитувчиларим билан ҳозирги даврда невараларимни ўқитаётган ўқитувчиларни солиширадиган бўлсан, менинг ўқитувчиларимнинг жуда фидойи инсонлар эканлигини, ўзларининг касбларини ниҳоятда қадрлаганликларини айтгим келади. Ҳар бир ўқитувчida «мендан яхши шогирдлар етишиб чиқсан» деган истакустун турарди.

— Устозларингиз ҳакида...

— Мен ўқиган Taxtапулдаги 22-мактаб машҳур мактаблардан бири эди. У мактабдан анчагина олимлар, шоир, ёзувчилар етишиб чиқкан. Ўзим ўқиган мактабим билан, айниқса, устозларим билан фахрланаман. Ана шундай устозларимдан бири — Ҳакимжон ака Ҳошимовдир. У киши адабиётдан дарс берардилар. Ҳакимжон ака 50-йилларнинг бошларидан ҳозирги кунга қадар ўша мактабнинг директори вазифасида хизмат қилиб келяптилар. Бу кишининг билимлилиги, фидойилиги, ўз фанини чукур билиши, ўзбекона соф табиати, мулоимлиги барча шогирдларида бирдай чукур из қолдирган.

Биз ўқиган пайтлари кўпчилик болаларнинг оталари урушга кетган эди. Ота тергаси бўлмагач, болалар безорироқ бўлиб қолади. Бундай пайтда ўқитувчилар мактабда интизомни қаттиқ ушлаб туришлари керак эди. Ҳеч эсимдан чиқмайди, ўкувчилардан бири мактабда пластмасса тароқни ёқиб кутариб юрганди. У болани кўп ўқитувчилар урушди, жазо чораларини кўришиди. Лекин Ҳакимжон ака у болага: «Акмалжон, сиз мактабни яхши ўқиб битирсангиз, мен сизга бир тароқ совға қиламан. У узоқдан оловни кўрса ёниб кетадиган бўлади», деб айтган эди. Шунда Акмалжон: «Мен тароқни ёққанимда бошқа ўқитувчидан шапалок еган эдим. Ҳакимжон аканинг гаплари эса шапалоқдан да қаттиқроқ тегди», деганди.

Қобилияти болаларни ўқитувчилар қандайдир бир-биридан қизганиб талашардилар. Масалан, мен ҳамма фанлардан аъло баҳоларга ўқишига ҳаракат қилардим. Физика ўқитувчимиз менинг шеърларим деворий газеталарда чиққанида ҳам, Эркинжон, сиз физик бўлишингиз керак, техника билим юртига ўқишига кириб ўқинг, деган гапларни ҳам айтарди. Бу ҳам ўқитувчининг ўз фанига нечоғли муҳаббатли эканлигига яқол мисолдир.


Ўқитувчи деганди, факат мактаб муаллимини тушунмайман. Ҳар бир соҳанинг ўз муаллимлари бўлади. Адабиёт соҳасида Faфур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Fайратий домлалар менга му-

ўқитувчилар ҳамма замонда фидойи бўлишган. Мана, биринчи маърифат-парварлар — жадидлар фаолиятини ўрганиш бўйича кўп ишлар қилинмоқда. Улар илмли, маърифатли ёшларни тарбиялашни мақсад қилишган. Ёшлар ўз адабиётини, тарихини, аждодлари кимлигини билса, ўз қадрини билади, озодлик туйғуси ўз-ўзидан пайдо бўлади, деб ҳисоблашган улар.

Ҳали-ҳали даҳшатга тушаман. Агар собиқ тузум давом этганида 20-30 йилдан сўнг болаларимиз ўзбекча гапирмай кўяр эди... Мана, ҳинд зиёлилари юртимизга келишса, ҳали-ҳамон инглиз тилида гаплашишади. Муаллимлар билим бериш баробарида фарзандларга Ватанга муҳаббат, тарихга хурматни сингдиришга ҳаракат қилишлари керак.

Ҳозирги ўқитувчиларни ҳам фидойи дейиш мумкин. Улар мураккаб иқтисодий шароитда меҳнат қилишмоқда. Лекин бу ҳол узоқ чўзилмас, ривожланган давлатлардагидек ўқитувчи маоши яшаш даражасини тўлиқ таъминлашига умид бор.

Бугун мактабларда эркак ўқитувчилар камайиб кетганидан қайғураман. Ҳарқалай, ўзбекнинг ўз турмуш анъаналари бор. Аёлнинг оила, жамиятдаги ўрни бошқа ҳалқларнидан ажралиб туради. Ўзбек аёлининг дунёдан боҳабар бўлиб бориш, мунтазам мутолаа қилиш имконияти камроқ. Жамият олдида аёлга шароит яратиш, янгича мухит барпо этиш вазифаси кўйил-



Устоз Ҳакимжон Ҳошимов

ри» қабул қилинишининг бевосита иштирокчиси сифатида унинг ижросининг бориши ҳақида Фикрингиз?

— Бугунги фарзандларимизнинг илмга интилишларидан кўнглим тўлмайди. Бизнинг давримизда илм албатта бугунги юксак даражада эмас эди. Ўша борини биз жуда яхши ўзлаштирап эдик. Ҳозирги имконият, бугунги ахборотни 50 йиллик олдингига умуман солиштириб бўлмайди. Бироқ, болалардаги илмга ташнилак, интилиш у даврлардан паст даражада.

Президентимиз томонидан берилаётган катта эътибор, «Таълим тўғрисида» Қонун, «Кадрлар тайёллаш милий дастури» талабларига мос ҳаракат қилишимизни талаб қилаяпти. Мана, академик лицей ва касб-хунар колледжларига қуриб берилаётган янги замонавий биноларни кўринг. Болалар шуларга жавобни билим эгаллаш, тил ўрганиш, жаҳонни ўрганишга интилишлари кепрек.

Ҳозир кураш замони. Қобилияти одамлар янги-янги имкониятлар қидиришмоқда. Бугун шахсдан ҳаётда ўз ўрнини топиши учун кўп нарса талаб қилинади. Факат ўқиб, диплом олиш эмас, ҳаётга ҳар томонлама тайёр бўлиш керак. Болалар келаҗакда яшаш даражаси пастлигидан ўксис қолмаслиги учун уларни ҳозирдан ҳаётга тайёрлаш, ўзини ҷоғлашни ўргатишимиш керак.

— Байрам муносабати билан «Маърифат» ўкувчилари, ўқитувчи-мураббийларга тилакларигиз...

— Байрам муносабати билан «Маърифат» муштариилари, ўқитувчи-мураббийларга эзгу тилакларимни йўллаб, Ватан хизматига маҳкам бел боғлашларини истаб қоламан. Ҳар бир кишининг ёши ўтган сари ёшларга айтадиган гапи кўп бўлади. Менинг ҳам айтадиганларим кўп, лекин газетангизнинг ўрни чекланганлиги учун гапимни қисқа қиламан. Аввало, барча ёшу кекса ўқитувчиларнинг қалбларига кувват тилайман. Қалбларининг, юракларининг оловини, ўтини ёшларга беришсин. Биринчи фарзандим туғилганида ўзган шеъримда шундай сатр бор:

СЕНИНГ ЮРАГИНГА ОЛОВ ТИЛАЙМАН.

Ўқитувчиларга тилайдиганим, уларнинг қалб оловлари худди эстафета оловига ўхшаб шогирдларига кўсинг.

Ва бу олов мангу порласин!

«Маърифат»нинг махсус мухбири Ҳусан НИШОНОВ сұхбатлашы.

**ТАҲРИРИЯТДАН:** Эркин ака! Сизни энг олий унвон — Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан барча газетон зиёлилар номидан кутлаймиз. Умрингизга, ижодингизга барака!

Қадим ўзбек ҳалқисан, асл Одам авлоди,  
Миср эхромларидан тарихинг каририкдир.  
Хоразмнинг ҳар ғишида боболарнинг ижоди  
Англо-сакслардан анча юқоририкдир.  
Бу — юрак эҳтиёжи, тарихий заруратдан пайдо бўлган Сўз.  
— Олий Мажлис сессиясида  
«Кадрлар тайёрлаш милий дасту-



## *Азиз мураббийлар ва устозлар!*

*Сизларни умумхалқ байрами –  
«Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» билан чин дилдан муборакбод этамиз.*

*Ўқитувчи ва мураббийларнинг жамият равнақидаги, маънавий-маърифий юксалишиздаги, ёш авлод тарбияси ва тақдиридаги тутган ўрни бекиёсдир. Чин маънодаги фидойиликни талаб этадиган шундай муҳим ва шарафли вазифаларни адо этишингизда Сизларга улкан муваффакиятлар ёр бўлсин!*

**Фидокорлар миллий  
демократик партияси**

## ЭРКИН ФИКР КАЧОН НИШ УРАДИ?

Географиянинг қизиқарли фан эканалитини барча билади, бунинг устига кундадик ҳаётда унга алоқадор кўплаб воқеалар содир бўлади. Илк танишишдаёқ география геологиядан идеологиятагача барча билимларни ўзида мужассамлаштиришига ишонч ҳосил килиш мумкин. Аммо географияни ўқитиш учун ўқитувчи, аввало, тълим тизимининг максадини ва унга ҳамоҳанг география ўқув фанининг вазифасини билиши лозим. Шунингдек, географик ном, тушунча, атама, қонуният сингариларнинг қай бири қайси синфа, қандай меъёрларда ўрганилишини тасаввур этиши ва педагогик амалиётда ўқувчига қандай сингишини шахсан ҳис қилиши мумкин.

География нарса ва ходисаларнинг макон ва замонлараро кўз илғамас алоқадорлигини аниқлайди. Шунга кўра, XX асрнинг атоқи географидан ишончда фикрларнинг боясини илгари сурғай эди. Эндиликда бундай ёндешув ҳам кўпгина муаммоларнинг тўғри ечимига кафолат бўйламай қоди. Шу боис алоҳида мамлакат, ҳатто худудга таалуқли муаммо ечимини ҳам олимлар жаҳон миқёсидаги (глобал) алоқадорликдан излашни таклиф қилмоқдалар. Натижада глобал миқёсда фикрлаб, локал (маҳаллий) миқёсда иш юритиш шиори олдинга сурилди.

Мактабда глобал фикрлар билан боғлик хилма-хил географик муаммалар ўрганилади. Бундай ташқари, география мазмунининг салмоқли қисми географик мажмуалар ташкил этиди. Улар кўлами ва географик ўриндан қатъий назар, гўззалик, уйғуналиқ, мувозанат сингари коинот қонуниятларини ўзида ифодалайди. Бу қонуниятнинг ҳатто мажмуунинг ҳар бир унсурида ҳам англаз мумкин. Ўсимликтарнинг ярусли ривожланishi бунга яққол мисодид.

Сўнг мажмӯа доирасида мажмууларро ва ниҳоят қитъаларро мураккаб алоқадорликнинг идроқ қилинishi билан фикр ҳам чукурлашиб бораверади. Пировард оқибат коинот, инсон, ҳаёт, юксалиш ҳақидаги фикр, ғоя, дунёқараш шакланади.

